

Халқ депутатлари Жиззах шаҳар ва Шароф Рашидов тумани  
Кенгашлари, шаҳар ва туман ҳокимликлари газетаси

Газета 1932 йилдан бошлаб чиқа бошлаган



Jizzax\_ovozi@mail.ru



+99891-188-15-81

## НАВОИЙ РУҲИДАН

### ҚУВВАТ ОЛИНГ

**Кейинги пайтда Буюк шоиру-ёзувчилар, файласуфлар, олиму-уламоларни фақат таваллуд кунлари яқинлашгандагина ёдга оладиган бўлиб қолдик. Холбуки, уларнинг ҳар бир айтган сўзи, ёзган сатрлари бугунги тезкор тараққиёт, нимагадир улгуриб-улгурмай яшаётган одамлар ҳаёти билан уйғунлашиб кетган...**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси Ҳамид Олимжоннинг ташаббуси билан Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллиги иттифоқ миқёсида кенг нишонланган эди. Ҳатто 1941 йил июнь ойида бошланган уруш ҳам шоир таваллуд кунига бағишланган тантаналарни тўхтатиб қололмади.

Фашистлар ҳалқга олган, очлик, ҳар муюлишда ўлим сояси турган Ленинградда ҳам буюк шоир Алишер Навоийнинг 500 йиллигига бағишланган илмий-амалий тадбирлар бўлиб ўтган эди. Эрмитажда тантанали ижодий кеча ташкил этилиб, шоирнинг рус тилига таржима қилинган шеърлари ўқиладиганда ушбу маданият маскани яқинида икки марта бомба портлайди. Тантананада қатнашаётганлар ҳаяжонга тушиб қолишади. Ўша пайтда ижодий кечага раислик қилаётган академик И.А.Обрели сўзлаётган эди.

"Портлаш оқибатида Нева дарёсидан кўтарилган баҳайбат тўлқинлар атрофга муз бўлақларини отиб,



қиёмат қойим ҳосил қиларди, дея хотирлайди Всеволод Рождественский. Фашистлар Нева кўприklarини тўплардан ҳам ўққа тутишарди. Бундан Эрмитаж деворлари гўё зилзила бўлаётгандай титрарди. Шунда академик Обрели "Тинчлик сақланглар, ўртоқлар! Йиғилишимиз да-

вом этади", деди хотиржам туриб. Унинг кайфияти кечада иштирок этаётган барча олимлар, шоир ва ёзувчилар, партия йўлбошчиларига кўчиб, эътиборларини маърузага қаратади. Бирорта одам йиғилишни ташлаб чиқиб кетмайди.

(Давоми 4-саҳифада)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги Фармони мувофиқ республикамизда 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш белгиланди.**

Халқаро тажрибага асосан

## КОНЦЕПЦИЯ ВА МАҚСАД



аҳоли сони бўйича аниқ ва яхлит маълумотлар аҳолини рўйхатга олиш асосида олинади. Аҳолини рўйхатга олиш

яқунларига қараб ўтмиш ва ҳозирги давр ҳақида фикр ва мулоҳазалар юритиш ҳамда келажакка мўлжалланган ре-

жаларимизни белгилаш мумкин бўлади.

Аҳолини рўйхатга олиш - бу мамлакат аҳолисининг мундариб вақтдаги "фотосурати" - ни олиш имконини берувчи умумдавлат миқёсидаги кенг

кўламли тадбир бўлиб, аҳоли тўғрисидаги ишончли ахборот манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чоратадбирлар дастури ижроси юзасидан вилоят ҳокимлигининг назорат режасига мувофиқ соҳалар бўйича комиссия таркиби ва ишчи гуруҳ аъзолари тасдиқланди.

(Давоми 2-саҳифада)

**Камбағаллик - бу ҳаёт учун муҳим бўлган, энг зарур минимал эҳтиёжларни қондира олмайдиган, ишга лаёқатли бўлиб, ўзи ҳоҳлаган ишларни давом эттириши мумкин бўлмаган шахс ёки ижтимоий гуруҳ иқтисодий ҳолатининг ўзига хос хусусиятидир.**

## ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш бўйича Жаҳон банки ва БМТ Тараққиёт дастури билан биргаликда дастур ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда. Уни амалга ошириш учун 700 миллион доллар маблағ йўналтирилади.

Муҳтарам Президентимиз томонидан жорий йилнинг беш ойи мобайнида ўтказилган видеоселектор йиғилишларида тадбиркорликни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар белгиланди. Республикамининг барча ҳудудларида ишлар қизғин ташкил этилди. Янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг даромадларини ошириш бўйича аниқ йўналтирилган мақсадларга эришилмоқда.

"Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, республикамиз бўйича 12-15 фоиз ёки 4-5 миллион аҳолимиз камбағал. Бу уларнинг бир кунлик даромади 10-13 минг сўмдан

ошмаяпти, дегани. Ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг камида 70 фоизи уни даволатишга кетади. Хўш, бундай оилани ўзига тўқ дейиш мумкинми?

Президент сифатида мени одамларимизнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, кийинтириши каби ҳаётининг эҳтиёжлари нима бўлаяпти, деган савол ҳар куни қийнайди", - деб такрор-такрор айтаётган давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 мартдаги қарорига асосан "Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги тўғрисида" - ги низом қабул қилинди. Низомда умумий қоидалар, вазирликнинг тузилиши, вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари асосий вазифа ва функциялари ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-саҳифада)

## ҚАТЪИЯТЛИЛИК

### ИЖОБИЙ САМАРАНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Давлатимиз раҳбари раислигида 26 майда ўтказилган видеоселектор йиғилишида муҳим масалага эътибор қаратилди. Мамлакатимизда айтилган пандемиянинг иқтисодий таъсирини юмшатишга қаратилган 16 та ҳужжат қабул қилинди. Бу - албатта, қувонарли ҳол.**

Лекин жойларда ушбу қарорлар ижросини ташкил этиш оқсамоқда. Яратилган шароит ва имтиёزلардан фуқаролар ва тадбиркорларни манзилли баҳраманд қилиш кўнгилдагидек эмас.

Йиғилишда Президент қарорлари ижроси бўйича брифинг ўтказиб, оммавий ахборот воситалари, парламент вакиллари ва кенг жамоатчилик олдида ҳисоб бериб бориш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Ҳисоботда ҳар ойда амалга оширилган ишлар ўз ифодасини топади.

Вилоят ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси уюштирган брифингга Жиззах шаҳар ҳокими Акбар Шукуров иштирок этиб, "яшил ҳудуд"да амалга оширилган ишлар, вазиятнинг барқарорлигини сақлашга йўналтирилган саъй-ҳаракатлар, келгусидаги режалар тўғрисида тўхталди.

Ўтган вақт оралиғида ҳудудда ташкил этилган 16 та блокпостда шаҳарга кириш ва чиқиш республика махсус комиссияси томонидан жорий этилган қоидалар асосида йўлга қўйилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, меҳнат жамоалари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳамкорлиги ҳудуднинг санитария-эпидемиологик осойишталигини бир маромда сақлашда кўзга ташланди. Шу билан биргаликда бошланган ишларни бир маромда давом эттиришга асосий эътибор қаратилмоқда.

Р. ТОҒАЕВ

(Давоми.)

**Боши 1-саҳифада)**

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурларини, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

Фармонга асосан:

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш Концепцияси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга доир комплекс чоратadbирлар дастури ишлаб чиқилди.

- Ўзбекистон Респуб-

ликасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олиш тадбирини ўтказишга кўмаклашиш бўйича Республика ҳамда ҳудудий комиссиялар таркиби ҳамда уларнинг вазифалари белгиланди.

- Ўзбекистон Респуб-

ликасининг



"Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифалари юклатилди.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишлари кенг қамровли тадбир бўлиб, кетма-кет

ҳамда бир вақтнинг ўзида тегишли тадбирларни амалга ошириш мумкин бўлган босқичларни ўз ичига олади.

**Биринчи босқичда** (3 йилгача бўлган муддат) аҳолини рўйхатга

олиш дастурини, рўйхатга олиш варақалари бланklarини, аҳолини рўйхатга олишни ташкил этиш ва ўтказиш, унинг натижаларини олиш ва эълон қилиш услубиятини тайёрлаш;

жатларни чоп этиш;

рўйхатга олиш участкаларини бино, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш;

рўйхатга олиш тадбирида иштирок этувчи вақтинчалик ходимларни ўқитиш;

аҳолини рўйхатга олиш материалларини автоматлаштирилган тизимда қайта ишлашга тайёрлаш;

бирламчи маълумотларни киритиш, кодлаш, назорат қилиш ва таҳрирлаш;

аҳолини рўйхатга олиш бўйича дастлабки натижаларни олиш;

аҳолини рўйхатга олиш натижаларини эълон қилиш ва тарқатиш.

Аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга, унинг материалларини қайта ишлашга, натижаларини олиш ва эълон қилишга жалб этилган ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш махсус ишлаб чиқилган ва тасдиқланган нормативлар асосида амалга оширилади.

**Солижон АБДУРАҲИМОВ,  
Шароф Рашидов  
тумани Статистика бўлимининг етакчи мутахассиси**

## КОНЦЕПЦИЯ ВА МАҚСАД

**Иккинчи босқичда** (10 кундан 60 кунгача бўлган давр) бевосита аҳолини рўйхатга олиш амалга оширилади, яъни аҳоли тўғрисидаги маълумотлар йиғилади, назорат текшируви ўтказилади ва аҳолини рўйхатга олиш материаллари топширилади.

**Учинчи босқичда** (2 йилдан 3 йилгача бўлган давр) аҳолини рўйхатга олишга доир бирламчи материалларни ва маълумотларни қайта ишлаш бўйича ихтисослашган тузилмалар томонидан қабул қилиб олиш;

олишни ташкил этиш, ўтказиш тамойиллари, услубий асослари ва молиялаштириш манбаларини аниқлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

аҳолини рўйхатга

хариталаш, аҳоли пунктларидаги уйлари рўйхатини тузиш ва аҳолини рўйхатга олишнинг ташкилий режаларини тузиш;

ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш;

рўйхатга олиш варақаларини ва бошқа ҳуж-

(Давоми. Боши 1-саҳифада)

Келгусида камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий-ривожлантириш учун тадбиркорлик яхши ривожланган ва аҳоли зич жойлашган ҳудудлар атрофида қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ва бўш турган ер майдонларида кичик саноат зоналари ташкил этилади. Зарур инфратузилма яратиш учун кичик саноат зоналарини бошқариш дирекцияларига бюджетдан 100 миллиард сўм ажратилади. Улардаги ер участкалари тадбиркорларга бозор қийматида эгаллик ҳуқуқи билан сотилади. Ушбу лойиҳа ўзини оқласа, иккинчи ярим йилликда яна қўшимча 150 миллиард сўм ажратилиши режалаштирилди ва махсус ишчи гуруҳи тузилди.

Ишчи гуруҳ томонидан бу йўналишда, айниқса, қишлоқ хўжалиги соҳасида ибратли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз. Мисол учун, Жиззах вилоятида жами аҳоли сони 1 383 813 нафарни, эҳтиёжманд аҳоли сони 83 893 нафарни ташкил этади. 16 485 та хонадон камбағал хонадон сифатида рўйхатга олинган. Таҳлилларга қараганда, боқувчисини йўқотганлар сони 2440 тани, жами эҳтиёжманд хонадонлар аъзолари сони 83 893 нафарни, ёлғиз қариялар 393 нафарни, ногиронлар 4 670 нафарни, вояга етмаганлар сони 34 431 нафарни, меҳнатга лаёқатли ишсизлар 30 377 нафарни ташкил қилади.

Вилоят бўйича жами 39 700 нафар камбағал фуқароларга 35 млрд.сўм (шундан пандемия даври учун қўшимча 18 млрд.сўм) иш ҳақи йўналтирилиб, жамоат ишларига жалб этилади. Жумладан, қурилиш ишларига 2 000 нафар, "Обод маҳалла", "Обод қишлоқ" давлат дастури йўналишига 8 000 нафар, пилла етиштиришга 10 000 нафар, дезинфекция тадбир-

ҳаллаларда истиқомат қилувчи оилаларнинг турмуш шароити ва ижтимоий аҳволи оғир бўлган қатлами рўйхати жойлардаги ҳокимликлар ва мутасадди ташкилотлар томонидан тузилмаган. "Камбағаллик" тушунчаси аниқ белгиланмаган, унинг ҳуқуқий мақоми бугунги кунда мавжуд эмас.

Камбағалликни қисқартириш ва иқтисодий ривожлантириш учун қишлоқ хўжалиги

## ЭНГ МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ МАСАЛА

ларига 600 нафар, кластерлар ва фермер хўжаликлардаги дала ишларига 6 300 нафар, тадбиркорлик субъектларига 3 200 нафар, йўл инфратузилмаси объектларига 2 000 нафар, ободонлаштиришга 3 000 нафар, бошқа турдаги йўналишларга 4 300 нафар ҳамда якка ёлғиз фуқароларга кўмаклашишга 300 нафар фуқаролар жалб этилиб иш ўринлари яратилади.

Ҳудуддаги 18 та кооперациянинг 1137 нафар аъзоларига 30-50 сотихдан ер майдонлари ажратилиб берилди. Бандлик жамғармасидан жами 1 млрд.745 млн.сўм субсидия ажратилиб, 215 га боғ, 200 га тоқзор ҳамда 252 га сабзавотчилик ташкил этилди. Бу саъй-ҳаракатлар 1137 нафар фуқароларнинг бандлигини таъминлайди. Ташкил этилган 12 та агрокластерда эса 11 565 та янги иш ўринларига асос солинди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, бугун вилоятдаги ма-

соҳасида ҳам жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг исботи сифатида соя ўсимлигини ва заъфарон ўсимлигини етиштиришни таъкидлашимиз мумкин.

Айни вақтда Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси "Бренд Инвестмент Групп" масъуляти чекланган жамияти билан ҳамкорликда заъфарон плантацияларини ташкил этишни бошлади.

Заъфарон ўсимлиги иссиқлик ва ёруғликни севади. Бу ўсимлик юртимиз тупроқ, иқлим шароитига тўлиқ мос бўлиб, уни Фарғона водийси, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий ва Жиззах вилоятларида етиштириш имконияти мавжуд. Бу ўсимликнинг биологияси ва етиштириш агротехикасини яхши ўрганиб, фермерларни жалб этсак, даромадли соҳага асос солинади. Зеро, бир гектар плантациядан биринчи йил ўртача 4 килограмм, иккинчи йили 7-8, кейинги

йилларда 15-16 килограмм ҳосил олинади. Жаҳон бозорида 1 килограмм хомашёнинг нархи 400 доллардан 1000 долларгача баҳоланади. 1 килограмм гули 2500 дан 5000 долларгача сотилади. Улуғ алломамиз Абу Али ибн Сино заъфарон ичиш рангни чиройли, кўзни равшан, юракни қувватли, нафас аъзоларини соғлом қилишини ёзиб қолдирган. Бундан кўринадики, заъфарон ва соя ўсимликларини етиштириш юртимиз иқтисодий ривожланишининг сезиларли даражада ўсиши ва ишсизлар сонининг қисқаришига ҳам олиб келади.

Бугунги кунда аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича олиб борилаётган ишлар, яъни қишлоқ хўжалигидаги иш ўринлари мавсумийлиги, яъни бир марталик характерга эга эканлиги жуда ачинарлидир. Бу аҳолини камбағалликдан чиқариш доирасида самарали натижа бермайди. Хўш, нима қилмоғимиз зарур?

**Биринчидан**, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган "Кооперация тўғрисида"ги қонунининг тегишли моддаларига, шунингдек, "Қишлоқ хўжалигида кооперация тўғрисида"ги қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур.

**Иккинчидан**, камбағалликни қисқартириш бўйича тегишли вазирликлар томонидан ажратилаётган субсидияларни марказлаштириш, ҳар бир ҳудудда мазкур субсидиялар ҳисобидан аҳолини муқим иш жойи бўлган ишлаб чиқариш корхоналари

ташкил этиш масаласини республика миқёсида бўйича кўриб чиқиш вақти етди.

**Учинчидан**, туман, шаҳар ҳокимлари қарори билан камбағалликни камайитириш бўйича ташкил этилаётган кооперацияларга ажратилиши режалаштирилган субсидияларни ўз вақтида ажратиш керак.

**Тўртинчидан**, турмуш шароити ва ижтимоий аҳволи оғир бўлган қатламни бевосита касбга ўқитиш ва тадбиркорликка ўргатиш марказларини ҳар бир ҳудудда меҳнат бозоридаги талаб ва тақриф асосида ташкил этиш зарур.

**Бешинчидан**, ҳудудларда норасмий ишларда ишлайдиган ишчиларнинг ҳисобини юритиш бўйича дастур ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Аҳолининг ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилаётган бу ишлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадлари, электорат манфаатларига ҳам айнан мосдир. Айниқса, коронавирус пандемияси туфайли ўрнатилган чекловлар шароитида аҳоли даромадлари кескин камайиб кетишининг олдини олишда бу муносабат муҳим аҳамият-касб этади.

**Ўрол ҲАМЗАЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг депутаты,  
Ўзбекистон ХДП фракцияси ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси**

Jizzax\_ovozi@mail.ru

+99891-188-15-81

# ТАРБИЯ УЧУН

**Ота-оналар ўз фарзандларининг тарбияси учун жаъмият олдида жавобгардирлар. Оила, маънавий ва жисмоний баркамол фарзанд жамият мустақамлиги ва маънавий етукликнинг гаровидир.**

Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳам ўғил уйлантириш, келин танлаш, фарзанд тарбиясини давлат сиёсати даражасига кўтаргани бежиз эмас. Давлатнинг кудрати соғлом фикрли, билимли, ахлоқ-одобли, халқ, миллат, Ватан тақдири учун жонини тиккан инсонлар кўлида. Бундай инсонлар илк бор оилада тарбияланади.

Болаларнинг хулқ-атворидаги хатолар ота-оналарнинг хатоларидир. Оила, оила аъзоларининг, айниқса ота-онанинг ахлоқий-маънавий етуклиги ва маърифий қарашлари фарзанд тарбияси ва камолида энг зарур ва муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Болалар-оила ва жамиятнинг кўзгусидир. Болаларнинг ёш қалбига ҳамма нар-

садан кўра ўрнак кўрсатиш кучли таъсир этади, ота-оналарнинг кўрсатадиган ибрати эса уларнинг қалбига бошқа ҳамма кишиларнинг ўрнига қараганда чуқурроқ ва мустақамроқ из қолдиради. Оилавий тарбия доимо мавжудлиги, кўрсатмаллиги ва сержиллиги билан ажралиб туради. Унда одобга доир тадбирларни болага тўғри ўргатиш, маслаҳат бериш, катталар тажрибасигина эмас, балки оиланинг яшаш тарзи, муҳити, ота-оналарнинг ҳунари, оила аъзоларининг маънавий- руҳий муносабатлари катта роль ўйнайди.

Фарзанд барча оила аъзолари ўртасидаги ҳамкорликни такомиллаштиради, аввало, ўйин фаолияти жараёнида, кейинчалик дарс тайёрлашда, касб-ҳунар танлаш ва ниҳоят оила юритишда ота-оналар билан бирга бўлиб, уларни ҳамжихатликка, аҳилликка ўргатади. Фарзанд ота-онанинг кексалигида мададкор, таянч ва суяни бўлишини барчамиз биламиз, фақат бунинг учун унга ўз вақтида, ёшлиқдан яхши тарбия бериш, маънавий оламини бойитиш лозим. Демак, оиланинг мустақил ҳаёт йўлидан тетик одим ташлаши учун унда соғлом ва ақлли фарзандлар дунёга келиши керак. Ота-она уларнинг муносиб тарбияланишини ўзлари учун энг муқаддас ва шарафли, қлаверса, ўта масъулиятли вазифа, деб билиши лозим.

Оиланинг ўз тарбиявий вазифасини яхши бажара олиши учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратиб қўйилган.

Болалар тарбиясида отанинг каттиққўллиги, онанинг меҳрибонлиги ҳал қилувчи омиллардан дир. Оиладаги соғлом муҳит, меҳр-муҳаб-

**Рақамли иқтисодиёт - бу сиёсий-иқтисодий, илмий-ижтимоий, маданий ва маърифий муносабатлардаги алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш ёрдамида амалга оширувчи янги тизим ҳисобланади.**

**"Рақамли иқтисодиёт" атамасини 1995 йилда Массачусетс университетининг информатика соҳасидаги олими Николас Негропonte амалиётга киритиб, уни атомлар ҳаракатидан битлар ҳаракатига ўтиш метафораси шаклида ифодалади.**

Дарҳақиқат, айна пайтда ушбу атамани бугун дунёдаги сиёсатчилар, иқтисодчилар, журналистлар, бизнесменлар ўз фаолиятларида қўллаб келмоқдалар. Аслини олганда "Рақамли иқтисодиёт"га асосий пойдеворни математика фанига "0" рақамини олиб кирган улуг Ал-Хоразмий қўйган. Рақамли иқтисодиёт атамасининг илмий адабиётларда шу кунгача 10 дан ортиқ талқини бўлган ҳолда, ҳозиргача фанда яхлит бир атама сифатида қайд этилмаган. Ушбу талқинларнинг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади: Рақамли иқтисодиёт бундай -реал борлиқни тўлдирувчи виртуал муҳит;

-рақамли технологияларга асосланган иқтисодий ишлаб чиқариш;

-интернет технологияларга асосланган иқтисодиёт;

-янги иқтисодиёт;

-веб-иқтисодиёт;

-ахборотларни қайта ишлаш, сақлаш, узатиш борасидаги янги усуллар генерацияси ҳамда рақамли компьютер технологияларига



бат тизими) мавжудлиги, турли хилдаги корпоратив тармоқлардан иборат.

Унинг қулайликларига турли тўловлар учун харажатларнинг қисқариши (масалан, банкка бориш учун йўқлири ва бошқа ресурслар тежалди), товарлар ва хизматлар ҳақида жуда кўп оператив маълумотларга эга бўлган холда, уларни жаҳон бозорида олиб чиқиш имкониятларининг кенгайтирилиши киритилмишимиз мумкин.

Рақамли иқтисодиётнинг анъанавий иқтисодиётдан фарқи нимадалигига изоҳ бериб ўтсак. Масалан, харидорга қандайдир маҳсулот ёки хизмат тури керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Интернет тармоғидаги бирор - бир электрон савдо майдончасидан ёки телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқа-

# МАҲСУЛДОРЛИК НЕГА КАМАЙМОҚДА?

**Қишлоқ хўжалиги экинларига зарарли организмлар яъни зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлар катта зарар етказиб, уларнинг сифатини ва ҳосилдорлигини кескин пайсаятирмоқда. БМТнинг дунё миқёсидаги маълумотларига кўра, ҳар йили қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотнинг 30 фоизидан кўпроғи, ривожланмаган давлатларда етиштирилган маҳсулотнинг 50 фоизи зарарли организмлар томонидан нобуд бўлмоқда.**



Бундан кўриниб турибдики, ўсимликларни ҳимоя қилиш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис ҳам ўсимликларни зарарли организмлардан муҳофаза қилишга давлат аҳамиятига эга масала сифатида қаралмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, вилоят Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекцияси томонидан республикамизнинг айрим ҳудудларида чекланган тарзда тарқалиб, қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар етказаятган "Зарпечак", "Судралувчи какра" ва "Эрмон баргли амброзия" бегона ўтларига қарши куралиши бўйича "Долзарб ўн беш кунлик" карантин тадбирлари самарали олиб борилмоқда.

Бу тадбирларда вилоят ҳудудидagi барча фермер ва дехқон хўжаликлари, аҳоли томоғқаси майдонлари ҳамда катта йўл ёқалари ва темир йўл ёқалари карантин назоратидан ўтказилиб, аҳоли ўртасида бегона ўтларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўсиби, ривожланишига салбий таъсири ҳақида тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

-Агроном-инспекторлар томонидан вилоятимиз ҳудудидagi 7 минг гектардан ортиқ ер майдонида карантин, бегона ўтларни аниқлаш бўйича назорат ишлари олиб борилган бўлса, 0,55 гектар ерда какра бегона ўти, 0,3 гектар ер майдонидa зарпечак бегона ўтлари йўқ қилинди, - дейди вилоят Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бош агрономи Улуғбек Пармонов. - Зарпечакларнинг ер шаридa 274 дан ортиқ турли аниқланган бўлиб, Ўзбекистонда уларнинг 17 та тури рўйхатга олинган. 13 та тур ўсимликларга жиддий зарар келтиради.

Айниқса, зарпечак қишлоқ хўжалиги экинларига жиддий зарар келтирувчи карантин объекти ҳисобланади.

Ушбу паразит ўтдан асосан беда экинлари, лавлаг, сабзи, пиёз ва бошқа кўпгина экинлар жиддий зарарланади.

Зарпечак таркибидa "кускудин" ва "кусталин" деган алколоид моддалар мавжуд, улар ем-ҳашак ва силосларга аралашиб кетганда ҳайвонларда заҳарланишни келтириб чиқаради.

Бу бегона ўт уруғлари асосан зарарланган маданий ўсимлик уруғларини екиш, ҳайвонлар, қушлар орқали тарқалиши ва тўлиқ чиримган ўғитларни далаларга чиқариш натижасида тез кўпаяди. Шу боис, экиладиган барча уруғлар зарпечак уруғларидан тозаланган бўлиши ҳамда далаларга ўғит фақат компост ҳолатда чиқарилиши керак. Бундан ташқари, бу бегона ўтнинг уруғлари сув билан қишлоқ хўжалик техникалари ва бошқа йўллар орқали тарқалиши мумкин.

Зарпечакка қарши курашнинг энг асосий усули бу - агротехникавий усул ҳисобланади. Кам миқдордаги зарпечак кўлда ўриб олинди, дала четига чиқариб кўмиб ташланади.

Тупроққа тушган зарпечак уруғлари бир неча йилларгача унвчанлигини сақлаб қолади. Зарпечак уруғлари шамол ва сув ёрдамида ҳам тарқалиши мумкин.

Шу сабабдан ҳар бир фермер хўжалигида ҳамда аҳоли томоғқаларида етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини биргина зарпечаклардан эмас, балки, жами карантин аҳамиятига эга бўлган ва карантин аҳамиятига эга бўлмаган бегона ўтлардан ҳимоя қилиш, агарда аниқланган тақдирда уларни зудлик билан йўқ қилиш чораларини кўриш лозим.

Албатта, карантин ва ҳимоя тадбирларини бошқа ҳимоя усуллари билан уйғунлашган тарзда олиб бориш мақсадга мувофиқ, Республикаимиз бўйлаб ташкил қилинаётган Ўсимликлар клиникалари мисолида буни яққол кўриш мумкин. Ҳозирги кунда вилоятимизда ўн тўртта Ўсимликлар клиникалари ташкил қилинган бўлиб, уларда етиштирилаётган биомаҳсулотлар ўсимликларнинг зараркундаларига қарши курашни сезиларли даражада осонлаштиради.

**Юсуфбек ТОШБОЕВ,** вилоят Ўсимликлар карантини давлат инспекциясининг ходими

Мавлуда Абдурасулова, шаҳардаги 10-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси



Тил гоя, туйғу, тафаккурнинг жонли  
мужассамлигидир

Jizzax\_ovozi@mail.ru

+99891-188-15-81

(Давоми.  
Боши 1-саҳифада)

Кечада шоирнинг қарийб 500 йил муқаддам ёзилган, яхшиликнинг ёмонликка, нурнинг зулматга, эзгуликнинг жаҳолатга қарши кураши ва алал оқибат яхшилик, ёруғлик ва эзгулик ғолиб бўлиши ҳақидаги ашъорлари кеча қатнашчиларига гўё айнан уруш кечаётган кунларда битилгандай таъсир қилади ва улар чексиз ҳайратга тушишади. Бу ижодий кеча Ленинград радиоси орқали тўғридан-тўғри эшиттирилади ва бу анжумани фашист кўмондонлари ҳам тинглашган.

**АСАРЛАРИ  
КАНДАЙ  
ТАРҚАЛГАН?**

Алишер Навоийнинг Ҳиндистонда энг кўп таржима қилиниб тарқатилган асари "Мажолис ун нафоис"дир. У форс тилига бир неча бор ўгирилган. Навоий асарларини форс ва ҳинд тилларига ўгиришда дастлаб, Султон Муҳаммад Фахрий (1521 йил, Ҳирот) Муҳаммад Қазвиний (1523 йил, Истанбул) ва Шоҳали Абдулвали (1598 йил, Нишопур) хизматларини таъкидлаш керак. Изланишлар шоирнинг бу асари Ҳиндистонда ҳам таржима қилинганини кўрсатмоқда. Бу хайрли ишга Абдулқобил Шариф Вафо қўл урган. У мазкур асарнинг 1491 йили

кўчирилган нодир қўлёзмасидан фойдаланган ҳолда унинг

тилига ўгирилганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Навоий асарларини шунчаки, юзаки ўқиб бўлмайди. Уларни икки

сат ва имкон бўлмаслиги мумкин.

ри, фикр-мулоҳазалари, талаб-кўрсатмалари, орзу-истакларини бир ерга жамлаб, уларни тартиб билан жойлаштириб чиқса, инсоний камолотга эришиш йўллари кўрсатилган

**НАВОИЙ РУҲИДАН****МУЪЖИЗАВИЙ  
ХИКМАТЛАР**

Биз Навоий ҳақида гап кетганида мутафаккир шоир деб улуғлаймиз. Аслида мутафаккир сўзи қандай шарҳланади?

Мутафаккир сўзи тафаккур соҳиби, кенг ва чуқур фалсафий мушоҳада юритувчи, нафақат ўз соҳасида, бил акс бошқа касблар ҳақида ҳам чуқур билимга эга, улар ҳақида асосли фикр юритиш салоҳиятига эга деган маъноларни беради.

Мутафаккирлик рутбасига эришиш учун адиб, аввало чуқур билим, кенг дунёқараш, бекиёс ҳаётий тажрибага эга бўлиш билан бирга инсонлик, умр кечиришнинг маъно-мазмунни, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик, ҳалол ва ҳаром, нафосат ва қабоҳат, дўст ва душман, диёнат ва хиёнат, ёруғлик ва зулмат каби абадиятга дохил тушунчаларни теран англаб етиши, фалсафий таҳлил қила олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Ва ниҳоят билганларини бадиий чизгилар ва маҳорат билан ўз асарларида тасвирлай олиши зарур. Бундай иқтидор ҳамма ижодкорга ҳам насиб этавермайди.

**ҚУВВАТ ОЛИНГ**

кун чанқоқ юрган одамга сув берсангиз қандай ичса, шундай ўқимоқ лозим. Шунда қаршингизда буюк даҳо турганини ҳис этасиз, унинг руҳидан мадад, қувват оласиз.

Конституциямизда оила, ота-онага ғамхўрлик кўрсатиш масалалари кенг ўрин олган. Холбуки, бу мавзунини ҳамма давлатларнинг ҳам Бош қонунларида учратмайсиз.

*Бошни фидо айла ато қошига,  
Жисмини қил садқа ано бошига.  
Тун-кунунга айлагали нур фош,  
Бирисини ой англа, бирисин куёш.*

Бу сатрлар шарҳга муҳтож эмас. Лекин деярли 600 йилдан буён авлодлар учун чорлов бўлиб келмоқда ва замонамиз учун ҳам қонун сифатида мустаҳкамланган.

*Йигитлиғда йиғ илмининг махзани,  
Қарилиғ чоғи сарф қилғил ани.*

Дейдиларки, ёшликда олинган билим тошга ўйилган нақш билан баробар. Ёшлик ўтгач, ҳар қанча ҳаракат қилма ҳаёт ташвишлари билан бўлиб, илм олишга фур-

Мол-дунё нима? Айрим одамлар чақани чақага қўшиб бир умр ганж йиғади. Оқибатда у ё ер остида қолиб кетади ёки ноқобил фарзандлари созуриб тугатади. Бойликларни хайрли, савобли ишларга сарфламоқ афзал. Зеро, Навоий ҳазратларининг ўзи шундай йўл тутган. У барпо этган боғлар, қурдирган бинолар халққа хизмат қилган. У қаздирган ариқлардан хануз одамлар сув ичишади.

Ҳаргиз бўлмас жоҳу дирам зори азиз,  
Жон нақди бериб, сийм харидори азиз.

Ривоятларга кўра, Аллоҳ таола Луқмони ҳакимдан "Пайғамбарлик берайми ёки ҳикмат?" деб сўраган эканлар. Буюк ҳаким ҳикматни танлаган эканлар. Яратувчи унга шунчалик кўп ҳикмат берган эканларки, ҳатто пайғамбарлар ҳам Луқмони ҳаким ҳикматларидан фойдаланишган экан. Алишер Навоийнинг бирорта асари йўқки, ундан ҳаёт йўлига нур сочиб турган ҳикмат бўлмаса!

"Аслида шоирнинг инсон тарбияси билан боғлиқ панд-насихатла-

ўзига хос дастур, қўлланма вужудга келадиган деб ёзган эди адабиётшунос олим Эргаш Очилов.

Алишер бобомиз бир умр курашиб яшайди. У ўзи орзу қилган мудом адолат устувор бўлган жамият барпо этиш, юртдошлари, миллатдошларига жабру-зулм етказётган кимсаларга қарши "Илигидан келгунча золим тигини ушотишга" ҳаракат қилди. Аламзада, ғазабга тўлган пайтларда ҳам дардини қоғозга айтди:

*Нокасу ножинс авлодин киши бўлсун дебон  
Чекма меҳнатким,  
латиф ўлмас касофат олами -  
Ким, кучук бирла хўтукка неча қилсанг тарбият,  
Ит бўлур, доғи эшак,  
бўлмас асло одами.*

Навоий ҳазратларининг муъжизавий ҳикматларини қанча кўп ўқисак, ўргансак инсонгагина хос хислатларимиз ошиб боради. Ит ва эшакка ўхшаш бўлиш хавфи йироқлашиб бораверади.

**Асад МУСТАФОВ**

**Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Шароф Рашидов тумани ҳудудидаги мавжуд қонунга зид номларни қайта номлаш, бир-бирини такрорловчи кўча номларини ўзгартириш, мавжуд кўчаларни тасдиқлаш бўйича географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича ҳудудий комиссия атрофида ўрганиш ишларини амалга оширмоқда.**

Таҳлилий ўрганишлар натижасида 2013 йил 28 декабрда ўтказилган Халқ депутатлари туман Кенгазининг сессияси қарорига асосан 623 та кўча номлари тасдиқлангани маълум бўлди. Бугунги кунгача туманда жами 1088 та кўчалар рўйхатга олинган. 402 та кўча номлари Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқлиги сабабли ўзгартириш қолмоқда. 391 та кўчанинг 378 тасида такрорий номлар қўйилган. Кўчаларнинг 13 таси фуқароларнинг ташаббуси билан қайтадан номланмоқда.

Хисобот даврида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Кенгаши томонидан иккинчи жаҳон урушида иштирок этган, ижтимоий-сиёсий ҳаётда кўпчиликка намуна бўлган 60 нафар ҳамюртларимиз номини улар яшаб ўтган маҳаллардаги кўчаларга бериш тўғрисидаги таклифлари умумлаштирилиб, ваколатли туман комис-

**ГЕОГРАФИК ОБЪЕКТЛАР  
ҚАЙТА НОМЛАНМОҚДА**

сиясига кўриб чиқиш учун тақдим этилди. Ўтган вақт оралиғида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри Давлат қўмитаси томонидан туман-

нимиздаги "Куёвбоши" маҳалла фуқаролар йиғини, шунингдек, "Куёвбоши", "Лойқа" аҳоли пунктлари, "Куёвбоши" ва "Кўзалиқир" кўчалари номи амалдаги қонун талабларига зид деб топилди. Бу аҳволга барҳам бериш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғинлари Кенгаши томонидан ҳудудий комиссияга асосланган таклифлар берилиши таъминланди.

Айни пайтда тумандаги "Гандумтош", "Қизлартепа" ва "Тинчлик" маҳалла фуқаролар йиғинларининг номини ўзгартириш бўйича киритилган таклифлар ҳудудий комиссия томонидан кўриб чиқилмоқда.

**Хуррият ИСРОИЛОВА,  
Шароф Рашидов тумани ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчиси**



Jizzax\_ovozi@mail.ru

+99891-188-15-81

## ҲЕЧ КИМ, ҲЕЧ НАРСА УНУТИЛМАЙДИ



Европа, Осиё ва Африка қитъаларини, ҳавою океанларни қамраб олган жангу жадалларда Ўзбекистондан қарийб 2 миллион киши иштирок этди. Гаффор Янгибоев ана шундай замондошларимизнинг бири эди.

Жиззах тумани ҳарбий ко-

**Инсоният иккинчи жаҳон уруши тугаган куннинг 75 йиллигини нишонлади. Аммо сайёрамизнинг турли бурчакларида қарама-қаршилик, қонли тўқнашувлар ҳамон давом этмоқда. Шу сабабли биз доимо хушёр ва огоҳ бўлишимиз, бу жараёнда тинчлик ва осойишталикни асрашни энг муҳим вазифамиз деб билишимиз лозим.**

## ИБРАТ

ва ўнг биқинидан ўқ еб вақтинчалик сафдан чиқди. Шифокор-

## МАКТАБИНИ ЯРАТИБ КЕТДИ

миссириатидан келган чақирув қоғози Гаффорнинг режасини бир зумда ўзгартириб юборди. Механизатор ёрдамчиси бўлиб ишлаётган йигит қўлига қурол олди.

Жанглар қизғин борарди. Берлин остонасига қадар етиб бориш осон кечмади. Йигит яраланди. Ҳарбий госпиталда даволанди. Яна сафдошлари қаторига қўшилди. Ўнг елкаси

лар маҳорати боис жони омон қолди.

Октябрь қишлоқ советига ўнтага яқин жанговар мукофотлар соҳиби сифатида қайтган собиқ аскар Гаффор Янгибоев халқ хўжалиги тармоқларини қайта тиклаш ишларида барчага намуна кўрсатди. Халқ депутатлари район советининг депутати сифатида кўпчиликка бош бўлди.

Олти фарзандни тарбиялаб

воёга етказган Гаффор отанинг маҳалла масжидининг биринчи пойдеворини қўйганини қишлоқдошлари ханузгача эслашди. Дарҳақиқат, пиру бадавлат инсон ҳамиша эзгу амаллар ҳақида ўйлади. Ёшларни она-Ватанга хурмат руҳи билан тарбиялаш ишларига муносиб уруш бўлди. Тинчлик бебаҳо неъматлигини тарғиб қилди.

Етти йилдан ошибдики, Гаффор бобо орамизда йўқ. Лекин жангчи жасорати абадий қолди. Бу мардлик мактаби ҳақида гурур билан ҳикоя қилинапти. Келгусида ҳам бу анъана давом этади.

**Сарвиноз ЗИЯДУЛЛАЕВА, Шароф Рашидов тумани Давлат архивининг 1-тоифали архивариуси**

**Жорий йилнинг 4 майи кuni Янгиобод тумани Маъмурий судида фуқаро Иномжон Бердиёровга нисбатан очилган суд иши кўриб чиқилди. Гап шундаки, муқаддам "Ўзагроинспекция" органлари ходимлари томонидан ўтказилган мониторинг тадбирларидан бирида ушбу фуқаронинг "Хўжамушкентсой" фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасига қарашли давлат захирасига олинган сугориладиган ерларнинг 7 гектарига ҳеч қандай руҳсат берувчи ҳужжатларсиз ўзбошимчалик билан бошоқли дон экинларини экиб олганлиги аниқланган эди.**

Мазкур ҳолат бўйича суд қарори эълон қилиниб, Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг 60-моддасига асосан Бердиёровга базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баробари, яъни 669,0 минг сўм маъмурий жарима жазоси тайинланди. Бу хали ҳаммаси эмас.

Инспекторларнинг олиб борган сайёҳаракати билан айнан шу ҳудудда яна бир қонун бузилиши ҳолати фош этилди. Яъни, фуқаро Эрбўта Давронов сувли экин майдонига бошоқли дон экиб олган. Э.Давроновнинг 9 гектар ердан хўжасизларча фойдаланганлиги қонунга хилоф деб топилди, ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг 60-моддасига асосан баённома расмийлаштирилади ва тегишли ҳужжат кўриб чиқиш учун Янгиобод тумани Маъмурий судига юборила-

## КУНГАБОҚАР

## СИРНИ ФОШ ҚИЛДИ

ди. 2020 йилнинг 7 майи санасида ҳолатга қонуний баҳо берилиб, ҳуқуқбузар базавий ҳисоблаш миқдорининг 3 баробари миқдоридаги жарима жазоси билан "сийланди".

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари ходимлари қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишда ер муносабатларини тар-

тибга солишга қаратилган қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан доимий равишда назорат тадбирларини ўтказиб келишмоқда. Хусусан, инспекция органлари томонидан жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида 67 та мониторинг тадбирлари амалга оширилиб, назорат ишларида 57 та қонунбузилишлар содир этилгани аниқланди.

Масалан, Арнасой туманидаги "Шохрухбек мевазорлари" фермер хўжалиги бошлиғи Х. С. мева-сабзавотга ихтисослаштирилган дала майдонига белгиланган экин турларини экиш кераклигини била туриб, 9,8 гектар ерга кунгабоқар ўсимлигини жойлаштириди ва экинларни жойлаштириш режасини бузади. Инспекторлар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этган фермерга нисбатан Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг 65-моддасига асосан баённома расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар Арнасой тумани Маъмурий судига кўриб чиқиш учун юборилди. Ҳозирда ушбу ҳолат судда ўрганиб чиқилмоқда.

**Жўракул АЙТМАТОВ,**  
**«Ўзагроинспекция»нинг вилоят бошқармаси инспектори**

## ЖИЗЗАХ ШАҲАР "МАРКАЗИЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ" АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жиззах шаҳар "Марказий деҳқон бозори" акциядорлик жамияти акциядорларининг 2019 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2020 йил 25 июнь кuni соат 15:00 да жамият маъмурий идорасида бўлиб ўтади. Манзил: Жиззах шаҳри, Мирзо Улуғбек маҳалласи, "Тошкент" кўчаси, 2-уй.

Акциядорларни рўйхатга олиш шу кuni соат 8:00 дан бошланади.

Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати (реестр) 2020 йил 22 июнь ҳолатига ёпилсин.

## Умумий йиғилиш кун тартиби:

1. Йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
2. Саноқ комиссияси сон ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари ва ҳисобот йили учун тасдиқланган бизнес-режанинг бажарилиши тўғрисида жамият бошқаруви раисининг ҳисоботини эшитиш.
4. Жамиятнинг 2019 йилдаги фаолияти яқунлари бўйича йиллик балансини, молиявий натижалар ҳисоботини ва соф фойда тақсими бўйича жамият бош ҳисобчисининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича тафтиш комиссиясининг ҳисоботини эшитиш ва тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2019 йилги фаолияти бўйича "Назорат-аудит" МЧЖ томонидан ўтказилган аудиторлик текшируви ҳулосасини тасдиқлаш.
7. Жамият бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи билан 1 йил муддатга ёлланма меҳнат шартномаси тузиш.
8. Жамиятнинг 2019 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари билан олинган соф фойданинг 85 фоизини дивиденд тўлови, қолган 15 фоизини захира фондига ажратиш.
9. Жамият қузатув кенгаши раисининг 2019 йил яқунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
10. Жамиятнинг 2020 йил учун "Бизнес-режаси"ни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
11. Жамият қузатув кенгашининг янги аъзолари таркибини сайлаш.
12. Жамият тафтиш комиссиясининг янги аъзоларини сайлаш.

Мурожаат учун телефон: (+94) 574 81 00

Жиззах шаҳар "Марказий деҳқон бозори" акциядорлик жамиятининг бошқаруви

ЖИЗЗАХ  
ОВОЗИМуассислар:  
Жиззах шаҳар ва  
Шароф Рашидов  
тумани ҳокимликлариБош муҳаррир  
Асад МУСТАФОВНавбатчи муҳаррир:  
Раҳматулла ЮНУСОВГазета тахририят компьютер марказида  
Шаҳноза МАНСУРОВА томонидан тайёрландиТахририят манзили:  
Жиззах шаҳри, Сайилжойи  
кўчаси, 10-уй.  
Тел: 226-21-33, 226-55-31,  
226-58-59  
НАШР КЎРСАТКИЧИ – 135.

Реклама белгиси (R)

«SHERDOR PLUS POLIGRAF»  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили:  
Самарқанд шаҳри, 140100.  
Улуғ Турсунов кўчаси, 82-уй.2020 йил 11.06. соат 16.00да  
босмаҳонага топширилди  
Буюртма: Адади:920БЕШ ТАШАБУС – БЕШ  
ИМКОНИАТТАЪТИЛДА  
АҲСИЛ  
ДАВОМ ЭТАДИ

**2019-2020 ўқув йилида мактабимизда жисмоний тарбия дарсларини намунали ўтказиш учун етарли шарт-шароит яратилганлиги туфайли турли мусобақаларда ўқувчиларимиз кўп-кўп совринли ўринларни қўлга киритишди. Спорт ҳамиша ҳаракатда бўлишни тақозо этади. Коронавирус пандемияси сабабли ҳудудда ўқувчилар билан онлайн тарзда алоқа йўлга қўйилган.**

Ўқувчилар қизиқишига қараб саккизта тўгаракка аъзо бўлишган. Уларнинг ҳар бири тўгаракларда алоҳида топшириқ ва тавсиялар олишарди. Бунда жисмоний тарбия ўқитувчиси ва мураббий Ҳазрат Худойназаров, Махлиё Ҳасанованинг хизматлари катта. Ёз ойларида ҳам беш ташаббуснинг иккинчи йўналиши - ўқувчиларни спортга қизиқтириш ва жисмоний соғломлаштириш борасидаги машғулотлар давом эттирилади.

**Файрат ШОКИРОВ,**  
**шаҳардаги 13-умумий ўрта таълим мактабининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси**

Жиззах тиббиёт коллежидан 2011 йилда Истамова Дилноза Бахтиёр қизига берилган К№1972356-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Жиззах вилояти ИИБ ЙҲХБ РИБ томонидан 2018 йил 9 октябрда Абдуллаев Наим Ҳасановичга берилган серия ААФ №:0195390 рақамли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Жиззах вилояти, Зомин тумани Ягона дарча марказида 2017 йил 15 сентябрда 543358-реестр билан рўйхатдан ўтказилган «ЕКО ZOMIN TUR» оилавий корхонасининг (СТИР 305060072) муҳри йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Жиззах шаҳар Ягона дарча марказида 2018 йил 14 февралда 576814 реестр рақами билан рўйхатдан ўтказилган «RAVOT SIT» МЧЖнинг (СТИР 305307181) юмалоқ муҳри ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Шароф Рашидов тумани давлат хизматлари марказида 2015 йил 30 декабрда 3927-реестр билан рўйхатдан ўтказилган «TARAQIYOTI BUYUK YURT» фермер хўжалигининг (СТИР: 303674529) думалоқ муҳри ва штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. \*\*\*

Шароф Рашидов тумани давлат хизматлари марказида 2018 йил 6 мартда 587014-реестр билан рўйхатдан ўтказилган «G'ALLA RIZQ RO'ZIMIZ» фермер хўжалигининг (СТИР: 309384603) думалоқ муҳри ва штампи йўқолганлиги сабабли бекор қилинади. (R)